

ШАРТНОМА № 2

« 24 » январ 2022 йил.

Янгибозор тумани.

Янгибазар туман озик-овкат ишлаб чикариш ва сотиш щульба корхонаси бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари Ф.Рахимов фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Янгибозор туман **Мактабгача таълим булими** бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан раҳбари **С.Реймова** фаолиятини курсатувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тугрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки килиб (доимий хужалик юритувчи ёки бутунлай бошкарувига) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг хаки тулангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2

№	Махсулот тури	Ул.бир.	Микдори	Нархи	Умумий киймати	Тикет ёки элон номери
1	Кўк чой	кг	2,5	35000	87500,0	
2	карам	кг	260,0	4000	1040000,0	
3	кизил лавлаги	кг	60,0	2600	156000,0	
4	турп	кг	90,0	1700	153000,0	
	жами				1436500,0	

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (киймати)

2.1. Шартноманинг умумий киймати ҚҚС билан 1436500 (бир миллион турт юз уттиз олти минг беш юз) сумни ташкил килади.

3. Тулов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг хисоб-ракамига шартномада курсатилган маҳсулот микдори суммасининг 30 фоизини шартнома Фазначиликда рўйхатга олингандан кейин олдиндан утказишни, колган 70 фоизини маҳсулотни тулик олгандан сунг 15 календар куни ичига тулашни уз зиммасига олади.

3.2. Тулов тури тулов топширикномаси оркали пул утказиш йули билан.

4. Шартноманинг бажарилни муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида курсатилган маҳсулот «Харидор» га шартнома Фазначиликда рўйхатга олиниб 30 фоиз аванс тўлови утказилгандан кейин 15 кун ичига берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал килиш муддати: 2022 йил « 24 » январдан 2022 йил «31» декабргача уз кучида колади.

5. Тарафлар хукуклари

5.1. «Харидор»нинг хукуклари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни уз вактида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб килишга:

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб килишга хаклидир.

5.2. «Сотувчи»нинг хукуклари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳак тулашни ва амалдаги шартнома ва конун хужжатларида белгиланган тартибда хисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб килишга:

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик маҳсулотни кабул килишда асосиз равишда рад килиш натижасида етказилган зарарни талаб килишга хаклидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

6.1.1. Шартномада курсатилган талабларга риоя килган холда уз вактида «Харидор»га маҳсулотни етказиб бериш:

сифатли булмаган мол-мулкни 1 кун ичиди алмаштириб бериш ёки Ушбу шартноманинг 1.2-бандига эс-
сифатли булмаган маҳсулот баҳосини кайтариб бериш.

6.2 «Харидор» маҗбурияти:

- 6.2.1. Маҳсулотни кабул килиш далолатномасини тузган холда Ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибга сонига сифатига караб муддатида маҳсулотни кабул килиб олиш;
- 6.2.2. Тегишли даражада сифатли булмаган маҳсулот келиб тушгани аниклангандан кейин, бу хакда далолатнома ёзилиб 24 соат ичиди сотувчини огохлантириш.
- 6.2.3. Маҳсулотни баҳосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тулаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

- 7.1. Маҳсулот бериш вактида риоя килмаганини учун айбор тараф бошка тарафга етказилган зарарни тулик коплади ва 0,4 % микдорда пеня тулади.
- 7.2. «Сотувчи» маҳсулотни тулик етказиб бермаганини учун «Харидор»га етказиб берилмаган хар қун учун маҳсулот баҳосидан 0,4 фоиз пеня тулади.
- 7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айбор тараф шартнома умумий суммасини 0,4 % микдорида пеня тулади.
- 7.4. Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулкни уз вактида алмаштиришдан бош тортса. «Сотувчи» шартнома суммасини 0,4 % микдорида жарима тулади.
- 7.5. Маҳсулот учун «Харидор» уз вактида ёки тулик толовни амалга оширмаса маблаг микдоридан 0,4 фоиз пеня тулади. лекин пения микдори туланмаган маблагни 50 % микдоридан ошиб кетмаслиги керак.
- 7.6. «Сотувчи» омборидан уз вактида мол-мулк олиб чикиб кетилмаса, agar бу томонларнинг келишиувига асосан кузда тутилган булса «Харидор» хар бир утказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омборда сакланганинидан келиб чиккан зарарни ва шартнома суммасини 0,4 % микдорида жарима тулади.
- 7.7. Неустойка (жарима) тулаш тарафларни шартномада курсатилган маҗбуриятларни бажаришда озод килмайди.

8. Форс-мажор холатлари

- 8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига бөглик булмаган сабабларга кура ва енгиги булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган маҗбуриятлари буйича жавобгар эмас. Уруш эълон килиниши ёки бошланиши. фукоралар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошкини, ёнгин ва бошка табиий оғатлар шулар жумласидандир.
- 8.2. Агар бартараф килиб булмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, арафлар, бир-бирини ёзма равиша огохлантирилиб, шартноманинг ижросини бекор килиши мумкин.

9. Низони хал килиниш тартиби

- 9.1. Ушбу шартномада ёки унга бөглик масалалар юзасидан келиб чикадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади.
- 9.2. Тарафларнинг келишуви билан хал килиб булмайдиган низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик суди оркали хал килинади.

10. Шартномага узгартариши ва күшимчалар киритиш тартиби

- 10.1. Ушбу шартномага киритилган барча узгартариши ва күшимчалар факат иккала тараф томонидан ёзма равиша тузилиб, имзо куйилгандан кейингина юридик кучга эга булади.
- 10.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишуви асосан Узбекистон Республикаси Фукоралик кодексига ҳамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

11. Бошка холатлар

- 11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга булиб икки нусхада тузилган.
- 11.2. Ушбу шартнома ва унга киритилган барча күшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначиликда рўйхатга олингандан кейин қонуний кучга киради.

12. Тарафларнинг юридик манзилгохи ва толов реквизитлари «СОТУВЧИ»

Янгибазар туман ООИШЧ ва СЦК	Янгибозор туман МТБ
Манзили: Янгибазар т. Истироҳат кучаси 1-уй	Манзили: Янгибозор шах. Фидокорлар 28
Тел/факс: 41-94-267	Тел/факс: 41-92-632
х/р: 20208000104085737001	ш/хр: 100022860332367091100251019
Банк: ОАТБ Агробанк Янгибозор филиали	ИНН: 305154113
МФО: 00574	ИФУТ: 84113
ИИН: 20326711000000000000	Молия вазирлиги Ягона Газна хисоб-вараги
ОКОНХ: 111-71284-ЛОД	Газна х/в 23402000300100001010
111-71284-ЛОД	Банк: Марказий банк Тошкент шахар ББХКМ
(ИМЗО)	МФО: 00014. ИИН: 201122919



Ф.Рахимов

(ф.и.ш)



Рахбар

(М.У.) (имзо)

С.Реймова

(ф.и.ш)

Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi va Yangibozor tuman ozik-ovkat ishlab chikarish va sotish sho"ba korxonasi o'rtasida tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish to'g'risida"gi shartnomani huquqiy ekspertizadan o'tkazish yuzasidan

X U L O S A

2022-yil 24-yanvar

Yangibozor tumani

Men Yangibozor tuman Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti O.Rajapov, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-iyundagi PQ-5168-son qarori bilan tasdiqlangan "Yuridik xizmat ko'rsatish markazlari to'g'risida"gi Nizomga asosan Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi va Yangibozor tuman ozik-ovkat ishlab chikarish va sotish sho"ba korxonasi o'rtasida 2022-yil 24-yanvar kuni tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish to'g'risida"gi № 2-sonli shartnomaga loyihasini o'rganib chiqib, uni huquqiy ekspertizadan o'tkazdim.

Yuqorida nomlari ko'rsatilgan yuridik shaxslar o'rtasida tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish to'g'risida"gi № 1-sonli mazkur shartnomaga O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi 1998-yil 29-avgustdagagi Qonunining 10, 20, 21 moddalari va O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 437-456 moddalari normalari bilan tartibga solingan.

Shartnomaning umumiyligi summasi jami 1436500 (bir million turt yuz uttiz olti ming besh yuz) so'mni tashkil qilib, shartnomani imzolagan Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi mudiri S.Reymova va Yangibozor tuman ozik-ovkat ishlab chikarish va sotish sho"ba korxonasi rahbari F.Raximovlarga yuridik shaxs Nizomiga hamda chiqarilgan buyruqlarga asosan birinchi imzo huquqi berilgan.

Shartnomani imzolashda xo'jalik shartnomalarini tuzishning erkinligi, taraflarning o'zaro manfaatdorligi, shartnomaga intizomiga rioya etish, taraflarning o'zaro mulkiy javobgarligi printsplariga to'liq rioya qilingan va taraflarning huquqlari hamda majburiyatları aniq ko'rsatib o'tilgan.

Yuqoridagilarga hamda O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi Qonunining 20-21-moddalariga asosan;

X U L O S A Q I L I N D I:

Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi va Yangibozor tuman ozik-ovkat ishlab chikarish va sotish sho"ba korxonasi o'rtasida 2022-yil 24-yanvar kuni tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish to'g'risida"gi 1-sonli loyihasi amaldagi qonun hujjatlari asosida ishlab chiqilganligi va qonunchilik texnikasi talablariga muvofiqligi qayd etilsin.

**Yangibozor tuman yuridik xizmat ko'rsatish
Markazi bosh yuristkonsul'ti**



O.Rajapov